

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бандлик

2012-2013 ўқув йилида вилоятда 38 минг 257 ўқувчи касб-хунар коллежларини битирди. Уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий Ҳалқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширди.

БИТИРУВЧИЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан Оҳангарон туманида касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида "Коллеждан – корхонага" тадбири ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 20 та ташкилот 150 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. 160 дан зиёд ёшлар меҳнат шартномаларини имзолаган бўлса, 15 нафар ёшларга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини имзолаган бўлса, 15 нафар ёшларга ишга жойлаштириш масаласи Халқ депутатлари Ангрэн ва Чирчиқ шаҳарлари, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз туман Кенгашидаги партия гуруҳларида мониторинг қилинди ва сессиялар муҳокамасига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Тумандаги агросаноат, Муротали маиший хизмат кўрсатиш, Оқтепа миллий хунармандчилик ва курилуш касб-хунар коллежларининг 1114 битирувчисини иш билан таъминлашга эришилди, – дейди Пискент тумани бандлик кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Матлуба Мирсоатов. – Янги ишга туширилган "Азеллаграмент" қўшма корхонасининг 400 ишчисидан 285 нафари коллеж битирувчиларидир. Фермер хўжалиқларига иш юритувчи сифатида 326 битирувчи ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи демократик партиясидан сайланган 23 депутатнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилаётгани самараси ўлароқ, яна кўплаб битирувчилар бошқа турли ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашди.

Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Жойларда бу каби янги корхона ва хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушириляётгани, мавжудлари фаолияти кенгайтириляётгани, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларчилик каби соҳаларнинг ривожланиб бораётгани кўплаб янги иш ўринлари яратиб имконини бермоқда.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши матбуот хизмати.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МАШҒУЛОТНИНГ МАҚСАДИ АНИҚ

Бўстонлик тумани фуқаролик ҳолатлари даъватномаларини ёзиш бўлимида "Ёш оила мактаби"нинг ўқув машғулотини бўлиб ўтди.

Унда кишлоқ, шаҳарча, маҳалла йиғинлари маслаҳатчилари, аҳоли ва ёшлар иштирокидаги таълим машғулотда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти, тўйларни ортиқча дабдалабаларсиз ўтказиш ва шу каби муҳим мавзуларда сўз борди.

Бундай тадбирларни ҳисобот учун ташкил этмаймиз, – деди бўлим мудири Дилором Юсупова. – Уларнинг самараси ўлароқ, ажрасаётган оилалар камайиб, соғлом фарзандлар туғилиши кўпайяпти.

Тадбир якунида икки ёш тантанали никоҳдан ўтишди. Янги туғилган чақалоқлар учун туғилганлик гувоҳномалари топширилди.

Рухшона СОЛИЕВА.

ТЕХНИКА ЧЕТНИКИ, МАХСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ

Чорвачиликда наслчиликни ривожлантириш, махсулдорлигини ошириш мақсадида Кибрай туманидаги "Halo barga pig" масъулияти чекланган жамияти 532 минг АКШ долларига сарфлаб, Германиядан 25 бosh оғддор қорамол ва замонавий сутни қайта ишлаш ускуналари сотиб олди.

Келтирилган мосламалар янги тармоқ билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратди. Ситирларнинг ҳар биридан 50 литрдан сут олинаётган бўлса, бир яшар нов-бос 500 килограмм тош босади.

Шунингдек, тумандаги "Азизжон" фермер хўжалиғи ҳам 82 минг 500 АКШ долларига немис олимлари лойиҳаси асосида янги ферма биносини қуриб битказди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ.

КЎРИКДА ИККИНЧИ

Халқ таълими вазири ва "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ўтказилган услубчилар кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Зангиота тумани болалар ижодиёти маркази услубчиси Гузал Қодирова фахри иккинчи ўринни қўлга киритди. Унинг ташкилотчилиги, фаолияти ва ёшлар билан ишлаши ҳайъат аъзоларида яхши таассурот қолдирди.

Хуррият МҲМИНОВА.

Яна тўловлар ҳақида

ЭШИКНИ ОЧИНГ, СУДДАН КЕЛДИК

Бир қўшмин бор. Орзу-ҳавасининг чеки йўқ. Уйини замонавий жиҳозлар билан тўлдиргани-тўлдиргани. Яқинда яна музлаткич олди. Қўшмин кеча янги, катта экранли телевизор кўтариб келди. Кечкурун эса, газ ва электр тармоғи идорасидан келган назоратчилар эшигини тақиллатиб, анча туришди. Тинчликми, деб сўради. Улар қўшминнинг ҳам газдан, ҳам электрдан қарзи салкам милли-

онга яқинлашиб қолганини, уни ундирилмай, неча ойдан бери қатнаш шавтганини айтишди. Қизиги шуки, қўшмин уйда бўла туриб, эшикни очмади. Ундан ҳафсалам пир бўлди. Тўғри-да, уйига эса бериш билан бирга коммунал хизматлар ҳақини ҳам тўлаб қўйса, фуқаролик вази-фасини бажарган бўларди. Қўшминга ўхшаган фуқаролар оз эмаслиги бор гап.

Сўмлик либос олишга пулни қизганишмайди-ю, лекин фойдаланган газ ва электр энергияси ҳақини тўлашга нега оғринишди? Ёки улар газ, сув, электр туганмас бойлик деб ўйлашармикин? Аммо, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор-ку. Вақтида тўлашни истамасанлар кунни келиб, қонун олдида жавоб беришлари кераклидек, хатланган лозим. Яъни сабр касоси тўлган коммуналчи-лар ўрнига эрта-индин суд ижрочилари эшик қоқишлари аниқ.

Дача биология кўчаси 28-уйда яшовчи О. Тўлабоевни газдан 246 минг сўм қарзи борлиги, уни тўлаш зарурлиги ҳақида кўп бора оғоҳ-лантиришди. У эса ҳар са-

рафари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Матлуба Мирсоатов. – Янги ишга туширилган "Азеллаграмент" қўшма корхонасининг 400 ишчисидан 285 нафари коллеж битирувчиларидир. Фермер хўжалиқларига иш юритувчи сифатида 326 битирувчи ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи демократик партиясидан сайланган 23 депутатнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилаётгани самараси ўлароқ, яна кўплаб битирувчилар бошқа турли ташкилот ва муассасаларга ишга жойлашди.

Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Жойларда бу каби янги корхона ва хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушириляётгани, мавжудлари фаолияти кенгайтириляётгани, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларчилик каби соҳаларнинг ривожланиб бораётгани кўплаб янги иш ўринлари яратиб имконини бермоқда.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши матбуот хизмати.

Қишлоқ мулкдори

БУҒДОЙ ЕР БЕТНИ ҚОПЛАДИ

Пискент туманида пахтадан 40 центнерчи, галладан 50 центнерчи фермер хўжалиқлари йилдан-йилга кўпайиб бо-

раяпти. "Мирза Муҳаммаджон Барака" фермер хўжалиғи ҳам шу илгорлар сафиди.



ТАФАККУРИМИЗ РАМЗИ

Тил – халқни бирлаштирувчи маънавий мерос. Миллат руҳиятини ифодаловчи омил, юртнинг энг буюк қадриятларидан бири.

Мустақиллик йилларида барча жаҳолар қатори тилимиз ривожига ҳам эътибор орди. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми қонун ҳужжатларида ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь тил байрами сифатида кенг нишонланиши аёнанага айланди.

Кўни кеча вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ушбу байрамга бағишланган бадиий анжуман ўтказилди. Институт профессор-ўқитувчилари ҳамда курс тингловчиларининг халқ ҳаёти ва таълим-тарбия тизимида давлат тилининг ўрни ва аҳамиятига оид билиминини бойитиш, тилдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда таниқли шоирлар, санъат арбоблари, олий таълим вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

"Тил – миллат тафаккури рамзи" шиори остида ўтказилган тадбирда,

"Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилишининг аҳамияти", "Тил – маданият ва маънавий мезонини мавзуларида маърузалар, она тилимизни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар тинланди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТА: анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

21 октябрь – "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган кун муносабати билан Юқори Чирчиқ туманидаги 40-ум умтаълим мактабида тадбир бўлиб ўтди.

СОФ КЎЗГУ

Тадбирда она тилимизнинг тарихи, улуғ элларнинг тилга бўлган муносабатлари ҳақида маърузалар қилинди, – дейди таълим муассасаси раҳбари Самиди Маҳмудова. – Ўзбек тилини асраб-авайлаш ва бойитиш билан бирга бошқа тилларни ҳам ўрганиш ўқувчиларимиз олдида турган энг муҳим вазифадир.

Тадбир ўқувчиларнинг тил байрамига бағишланган бадиий чиқишлари билан якунланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Сайловлар яқин

ТАВСИЯЛАР КИМ УЧУН ЁЗИЛАДИ?

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига саноқли кунлар қолаётганига қарамай, баъзи туман ва шаҳарларда бу муҳим кампанияга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ чора-тадбирлар вақтида ва тўлиқ бажарилмапти. Айрим кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳларнинг фаолиятида сусткашлик сезилмоқда.

Хусусан, вилоят сайловга кўмаклашувчи комиссияси тахририятга тақдим этган маълумотларда келтирилишича, Ангрэн шаҳар кўмаклашувчи комиссиясининг хонаси ҳам, жиҳозланиши ҳам республика Олий Мажлиси Сенати тавсия этган намунавий шаклга ханузгача мослаштирилмаган. Вилоят ишчи гуруҳининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун ҳамда Олий Мажлиси Сенати тақдим этган намунавий шакллар юзасидан берган хабарномасида кўрсатилган топшириқлар ижроси таъминланмаган.

Олмалик шаҳар кўмаклашувчи комиссияси, "Маҳалла" жамоат фонди ходимлари юқоридаги Қонун ҳамда намунавий шаклга оид маълумотларга эга эмаслар, вилоятдан берилган ҳужжатлар тегишли жойларга тарқатилмаган. Комиссия белгиланган тартибда иш юритиши учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Алоҳида хона, жиҳозлар, умуман, моддий-техник база хануз ривожланмаган. Комиссия асосида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот қутуди.

Оҳангарон туманида вилоят ишчи гуруҳи хабарномасида кўрсатилган топшириқлар ижроси таъминланган. Бирок, сайловларга тайёргарлик кўриш жараёни оммавий ахборот воситалари орқали кам ёритилмаган. Дарвоқе, ушбу камчилик Олмалик ва Ангрэн шаҳарларига ҳам тегишли.

Вилоят сайловга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда ишчи гуруҳи юқоридаги камчилик ва нуқсонларни тизорек бартараф этиш ва тайёргарлик ишларини тўғри йўлга қўйиш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Тахририят юқорида номлари зикр этилган туман ва шаҳарлар кўмаклашувчи комиссияларидан бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот қутуди.

ОЛТИ МИНГИНЧИ СОН ЧОП ЭТИЛДИ

Бугун Бўка тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Халқ овози" газетасининг 6 мингичи сони нашрдан чиқди.

1952 йилдан бери чоп этилаётган газета минглаб муштарийларига эга. Газетанинг "Инсон ва қонун", "Жиноват ва жазо", "Орамиздаги одамлар", "Шифокор маслаҳати", "Лоқайдлик қачонгача?" каби рунқларидаги мақола-лари севиб ўқилади.

Шахноза НАЗАРОВА.

25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни

ОЗОД ЮРТНИНГ ОГОҲ ПОСБОНЛАРИ

Ҳар йили 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни, юрт осойишталиги учун масъул бўлган соҳа вакиллари касб байрами сифатида нишонланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқибатда ички ишлар идораларининг истиқлолни жинойат хуруждан ҳимоя қилиши, мустақил давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масъулияти янада ошди.

Ўтган йилларда вилоят ички ишлар идораларининг саксонга яқин ходимлари давлатимизнинг яқин мукофотлари – орден ва медалларга сазовор бўлдилар. Шунингдек, хизмат вазифасини бажариш вақтида вафот этган

43 ходимнинг хотирасини абадийлаштириш учун бошқарма биноси олдида "Мотамсаро она" ёдгорлиги ўрнатилди. Аънамага кўра, ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниди шундай оила фарзандлари учун

ёзги дам олиш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Мустақиллик байрами арафасида эса, янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан уларга мактаб ўқув куроллари ва мукофотлар берилди.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимлари маънавиятини юксалтиришда ИИБнинг идора ва тизимларда мунтазам равишда ўтказиб келаётган маърифат дарсларининг алоҳида аҳамияти бор. Бундай тадбирларга олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари

таклиф этилади. Маърифат дарсларининг кўпроқ очик мулоқот, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилишига эътибор қаратилади.

Вилоят ИИБда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларнинг хизмат тажрибалари доимо кадрланади. Зеро, улар ички ишлар идораларининг салоҳиятини оширишга, ходимларнинг жамоатчилик олдидagi обуру ва хурматини янада юксалтиришга ҳаётини тажриба ва ўғитлари билан муносиб улуш қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда вилоятнинг ўзини ўзи бошқариш идораларида 314 та милиция таянч пунктлари бўлиб, профилактика инспекторлари ўз ҳудудлари барқарорлиги учун маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда хизмат қилмоқдалар. Ҳудудлардаги жамоат тузилмаларида икки мингдан зиёд посбонлар бор. Улар жойларда профилактика инспекторлари билан елкама-елка туриб, юрт осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлиги йўлида хизмат қилишмоқда.



САРДОРЛАР УНИНГ КЎМАКЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонида мувофиқ барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлашдаги хизмат бурчини бажаришда фидойилик кўрсатаётгани учун Урта Чирчиқ тумани Мўқимий маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбари Алишер Аҳмедовнинг "Шухрат" медали билан тақдирлангани оила аъзолари билан бирга маҳалладашларини ҳам қувонтирди.

Маҳаллада жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилмоқда. – дейди туман ИИБ милиция таянч пункти профилактика инспектори Олтинбек Усенбоев. – Фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашда маҳалла посбонлари сардори ва унинг ҳар бир кўнага бириктирилган ёрдамчилари инспекциямизга фаол кўмаклашмоқда. Сардор маҳалла оксоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар қўмитаси раиси билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида туман миқёсида ўтказилаётган "Анти-террор-Тозалаш", "Арсенал", "Усмир", "Спитамен", "Корадори" ва "Қудриув" тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Юртимиз осойишталиги ва халқимиз хотиржамлигини таъминлаш масъулияти эки баъзи соҳа ходимларигагина тааллуқли вазифа эмас, – дейди Мўқимий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўра Аҳмадулов. – Бу борада жиноятнинг бурчимиздир. Маҳалладашлар аҳлиқили, ҳамжихатлиги бос ҳудудимизда ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Паспорт тартиботи хуусидаги тадбирлар,

ёшлар, вояга етмаганлар билан ўтказилаётган суҳбат ва учрашувлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Ойларлардаги келишмовчиликлар кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилинади. Яраштирув комиссиясида кўпни кўрган нуруний отахон ва оналар борлиги яхши самара бермоқда.

Ташкилот, корхона, қаҳвахона, таълим муассасалари, маҳалла гузарлари, маиший хизмат кўрсатиш ишчюотлари, савдо шаҳобчалари каби объектлар мунтазам назорат қилинади. Бу жойларда фуқароларни огоҳлик ва ҳушёрликка қорлаш мақсадида учрашувлар ва суҳбатлар уюштирилмоқда. – Алишер Аҳмедов жонқуяр ва фидойи ходим, – дейди раис. – Маҳалладаги тўй-маррака, ҳашарларда ташкилотчилиги билан эътибор қозонган. Тошхирдан вазифага сиққидилдан ёндошиб, масъулият билан бажаради. Маҳалла саккиз йилдан буён раислик қилаётган бўлса, профилактика инспектори, маҳалла посбони ва маҳалла фаолларининг ҳамжихатлигида олиб бораётган саяхатлари натижасида кейинги беш йил ичида биронта ҳам оғир турдаги жиноят содир этилмади.

СУРАТАДА: (ўнгдан) Олтинбек Усенбоев, маҳалла оксоқоли Жўра Аҳмадулов ва Алишер Аҳмедов.

Материалларни Шерали АНВАРОВ тайёрлади.

ДОВЮРАК ЎТ ЎЧИРУВЧИ

Инсоният бутун умри давомида моддий неъмат яратиш, уни асраш ва ўт балосидан сақлаш ҳақида қайгуради. Бироқ, эътиборсизлик, болаларни қаровсиз қолдириш, электр ва газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсизликлар юз бериб туради.



Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ёнгинлар электр жиҳоз ва газ иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида юз бермоқда, – дейди Фуломшоқир Эрназаров. – Бу жараёнда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимининг асосий вазифаси ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш, шу орқали ёнгинларни камайитиришдан иборатдир.

Вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси тизимида 2000 йилдан ўт ўчирувчи бўлиб хизмат қилмоқда. У дастлабки кўникма ва малакани устози, истеъфодаги ўт ўчирувчи Шермат Бойқаевдан ўрганди. Устозлари ўғитларига амал қилаётгани боис унинг иш-тироқлида ёнгиннинг олдини олиши, содир бўлганларини тезкорлик билан бартараф этишга эришилмоқда. – Ёнгинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасидаги



тушунтириш ишларининг аҳамияти катта, – дейди Ф. Эрназаров. – Айниқса, болалар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Мактаб, лицей ва коллежларда бўлиб, ёшларга ёнгин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларини ўргатиб бормоқдамиз. Бундан ташқари, ёнгин қандай муҳдиши оқибатларга олиб келиши мумкинлиги акс этган видеофильмлар ҳам намойиш этилмоқда.

Ҳамкасбим Фуломшоқир Эрназаров катъий интизоми, изланувчан ва талабчанлиги, энг асосийси довюраклиги билан ажралиб туради, – дейди Анфраз шаҳар ёнгиндан мухофаз қилувчи 5-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бошлиғи Дўстилло Хўжакелдиев. – Ҳар йили "Ёнгин хавфсизлиги ойлари" да фаол иштирок этади. Доимий машғулот ва хизмат жараёнида тобланган ўт ўчирувчи қисмдагилар-

нинг том маънодаги устозидир. Янги келган ёш ходимларга хизмат кийимини тўғри кийишдан тортиб, соҳага оид амалий кўникмаларни ўргатишдан қарчмайди.

Фуломшоқир Эрназаров ўзи қизиққан ва меҳр қўйиб танлаган касбда баракали меҳнат қилиб, кўпчилик орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Кеча шоғирд эди, бугун устоз бўлиб, ёшларга йўл кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонида мувофиқ хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатаётгани учун Фуломшоқир Эрназаров "Жасорат" медали билан тақдирланди.

СУРАТАДА: Фуломшоқир Эрназаров ва Дўстилло Хўжакелдиев.

ХАЛҚИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Юртим, деб ёнган юрак тафти сўнмас

Эгуликка эш қалбга гард ҳам кўнмас дейдилар.

Ўзи учун яшаган четта чиқиб қоларкан, Юрт ишқиди ёнганлар эл меҳрин қозонаркан.

Тангри берган ҳар кун ҳам байрам эмас, туй эмас, Юртта тош отмоққа шай турибди қанча нокас.

Бундай кезде миллатга онги ўткир кўз керак, Ёвуз ният кучларга қалқон – кескин сўз керак.

Барқарорлик, тинчликни орзу қилар ҳар миллат, Ўзбек хотиржамлиги – истиқлол берган неъмат.

Чунки, халқнинг паҳлавон Сиздай ўғлонлари кўп, Сафларида навқирон, жасур, полвонлари кўп.

Тинчликка ҳисса қўшмоқ – бизга эзгу ниятдир, Устозлар умр йўли барча учун ибратдир.

Огоҳ бўлиб яшмоқ сингди қон-қонимизга, Юртни омон асрасак, доғ тушмас номинизга.

Хуршид РЎЗИЕВ, вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори.

ТАФАККУРИМИЗ РАМЗИ

Аждодларимиздан қолган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асрашимиз, бойитишимиз, нуфузини янада оширишимиз лозим, – дейди институт ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, филолог фахри номзоди, доцент Нилуфар Йўлдошева. – Бунинг учун тилимизнинг бойлиги, софлиги, унда содир бўлаётган янгиланишлардан биринчи биз бохабар бўлишимиз ва бошқаларни ҳам хабардор қилиб туришимиз керак. Бадий анжуман институт ўқитувчи ва тингловчилари орасида китобхонлики тарғиб қилиш, мутолаага бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида ўтказилаётган аънавий "Китобсеварлар байрами"нинг навбатдагиси уланиб кетди. Ямарқада "Маърифат" нашриётида чоп этилаётган бадий адабиётлар ва соҳага доир мингга яқин ўқув қўлланмалари намойиш этилди.



ларини нақд пул ёки пластик карточка орқали харид қилиш имконига эга бўлишди. – Ахборот глобаллашуви шароитида турли соҳалар қатори адабиётга ҳам моҳиятини тушуниш мурраккаб бўлган хорижий сўзлар кириб келяпти. Шунинг учун янги нашр қилинган "Адабиётшунослик лугати"ни сотиб олдим, – дейди институт ахборот-ресурс маркази тингловчиси, Куйи чирчиқлик Нигора Аюбхалилова. – Бу лугат янги сўз ва иборалар мазмунини аниқлашда, қолаверса, китобхонлар билан ишлашда кўл келишига ишонманам.

Шунингдек, тадбир сўнигида "Тил – миллат ифтихори, тафаккури рамзи" мавзусида маънавий-маърифий композицион тадбир ҳам ташкил этилди. Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Тадбир

Пискент туманидаги 79-махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун Курбон ҳайити муносабати билан хайрия тадбири ўтказилди.

БОЛАЛАРГА ҲАЙИТЛИК

Ақли заиф, жисмоний имконияти чекланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида ташкиллаштирилган тадбирда доимий ҳоимий – Охангарон туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳир Эшонбоев алоҳида ташаббус кўрсатиб, интернат биносини таъмирлаб берди.

Етоҳхона болаларнинг жисмоний фаолиятига монанд қўлайликларга эга бўлди. Ошхона ва ўқув хоналари замон талабига мос пардозланди. Спорт майдончалари зарур анжомлар билан таъминланди. Шунингдек, мактабга болаларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида логопед-дефектолог, психолог ва бошқа мутахассисларга эга педагоглар жалб этилган бўлиб, улар белгиланган тартибда ишлашаётир.

Бахтиёр ШАВКАТОВ. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Тадорик

АГАР ТОМДАН ЧАККА ЎТМАСА...

Кўп қаватли уйда яшашнинг ҳам ўзига яраша гашти бор: агар томдан чакка ўтмаса, ертўлада сув тошмаса, қишда иссиқлик тизими кўнгилдагидек ишласа...

Бу хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан бирга кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ўзоро аҳил-иноқлигига ҳам боғлиқ.

– 2013 йилгача ширкатларимиз 96 та эди, – деди Ангрэн шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Мурод Умурзоқов. – Ишнинг тўғри ташкил этилмаган, фаолияти қонирасиз бўлган ширкатлар тугатилиб, ҳозир 82 та қолди. Жумладан, "Ангрэн фидойи" ширкати "Адхам Файз Барака"га бириктирилган бўлса, "Ангрэн Мусаффо Осмон" тугатилиб, "Старестина Надежда" ширкати қўшилди. "Галинкова Антонина" эса, "Ойдин" ширкати балансига ўтказилди.

Шаҳарда хусусий уй-жой мулкдорлари ишини жонлантириш мақсадида бошқарув сервис компанияларини ташкил этишга киришилди. Шундай 4 та хизмат кўрсатувчи компания фаолият бошлаганига 2 ой бўлганига қарамай, бу тузилмалар ўзига юклатилган вазифаларни астойдил бажаришга киришди. Компанияларнинг навбатчилик қисмида телефон туну кун ишлаб турибди. Кимдир юқори қаватга совуқ сув чиқмаётганидан шикоят қилса, яна бир фуқаро қишда иситиш тизими қандай ишлаганини сўрайди. Мутахассислар вақтини бой бермай, чақирув бўлган жойга шошилишади. Бу сервис компанияларининг аҳоли ишончини қозонишида ёрдам бераётди.

– 9 та ширкатдаги 51 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатишни бошлаб юбордик, – деди "Жайхун парвози" бошқарув сервис компанияси раҳбари Ҳамза Абдуллаев. – Ширкатлар билан шартнома асо-



сида иш юртияпмиз. Том ёпиш, ертўдаларни таъмирлаш ва бошқа буюртмаларни вақтида бажаришни мақсад қилганмиз. Ҳозир 4 мутахассисимиз бор, буюртмалар кўпайиб кетса, яна янги иш ўринлари очилади.

"Жайхун парвози"дан ташқари "Нуробод қурилиш инвест", "Ангрэн Жасмин" ва "Бектемир Маҳлиё" компаниялари ҳам фаол ишлаб турибди. Яқинда Қизилтоғ, Дукент шаҳарчалари ва Ангрэн шаҳрида яна 4 та шундай компания иш бошлайди.

– Одамларнинг яхши шариотларда яшаш учун қанча ҳаракат қилмайлик, баъзи фуқароларнинг ширкатлар ишига бефарқлиги, ойлик тўловларни пайсалга солишлари ишимизга тўғноқ бўляпти, – деди Мурод Умурзоқов. – Аҳолининг қарзи кундан-кунга ортиб борапти. Аравани ҳар ким ўзи билган томонга тортса, муаммоларнинг

ечим топиши амримаҳол. Шунини инобатга олиб, тижорат банклари ширкатлар билан ҳамкорликда ишлашни бошлади. Тўловларни биргаликда ундириш учун кўп қаватли уйлар ёнида сайёр кассалар очилляпти. Яна бир гап. "Ипотекабанк" шаҳар бўлими сервис компанияларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун ҳоимий маблағини аямаяпти. Қуни кеча "Жайхун парвози", "Ангрэн Жасмин"га 10 миллиондан сўмдан маблағ ажратилди. Хуришда НАЗАРОВА. СУРАТАДА: (чапдан) уюшма раиси Мурод Умурзоқов "Жайхун парвози" бошқарув сервис компанияси ходимлари Гулзода Абдуллаев ва Ҳамза Абдуллаев билан киш мавсумини кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш ҳақида суҳбатлашмоқда. Даврон АҲМАД олган сурат.


ЭЗГУ ТАШАББУС – ХАЙРЛИ АНЪАНА

Вилоятимиз пахтазорларида йнним-терим мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Шундай масъулиятли пайтда мавсумда фаоллик кўрсатиб,

лар ўтказмоқдалар. Шу баҳонада терим илгорлари тахририятнинг эсдалик совгалари билан рағбатлантирилмоқда. Қуни кеча шундай тадбирларнинг навбатдагиси тахририят ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Окқўрғон, Бўжа ҳамда Юқори Чирчиқ туманларида ташкил этилди. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири ўринбосари Салим Дониёров, вилоят ҳокимининг маънавий-маъ-

рифий ишлар бўйича ёрдамчиси Шухрат Насимов мавсум бордан руҳланаётган пахтакорларимиз саховатли кузнинг илк-иссиқ кунларидан самарали фойдаланиб, дала-лардаги бор ҳосилни тезроқ йиғиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Хуришда МҰМИНОВА. СУРАТАДА: пахтакорларга совга топириш пайти. Ҳамид МУСОҚОВ олган сурат.



ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар такрон қўйилмоқда: 1. Учтепа тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегизбобоев кўчаси, 1-уй. Бошлангич баҳоси – 4 197 112 739,61 сўм. 2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.05.2013 й. № 47613/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қ. Ниёзов кўчаси, 10/1-уй, 30-хонадон. Бошлангич баҳоси – 436 891 003 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Зангиота тумани СИБ томонидан № 9236/6-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув қ.ф.й., А. Темур кўчаси, 80-уй. Бошлангич баҳоси – 305 266 000 сўм. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11242-43/6-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қ.ф.й., У. Юсупов кўчаси, 78-уй. Бошлангич баҳоси – 37 002 000 сўм. 5. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7463/6-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қ.ф.й., Тутзор кўчаси, 5-уй. Бошлангич баҳоси – 297 636 484 сўм. Тошкент шаҳар Худудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан: 6. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 6-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 3 618 621 384 сўм. 7. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 7-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 497 751 280 сўм. 8. Тошкент

вилояти, Қиррай тумани, Тузель қ.ф.й.да жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 1 083 257 243 сўм. 9. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-уйда жойлашган клиника бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 2 117 148 617 сўм. 10. Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Оқ Қавоқ қ.ф.й.да жойлашган бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 132 700 869 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдордан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчаси "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунли мобайнлик тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

"КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 09.10.2013 йилдаги № 1-1217/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Хамаза тумани, Ависозлар 4-мавзеси, 68/11-уйда жойлашган умумий 2та яшашхона майдони 33,32 кв.м., фойдали майдони 58,81 кв.м. дан иборат бўлган 2та яшаш хонадан иборат 12-хонадон қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 43 200 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 29 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 12.03.2013 йилдаги № 1-194/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 69/5-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 83,31 кв.м., яшаш майдони 49,95 кв.м.дан иборат бўлган 4та яшаш хонадан иборат 33-хонадон қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 62 812 500 сўм. Такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 8 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ ининг АТБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 18:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қим ошди савдоси ўтказиладиган бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

1. Миробод туман СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич нархи – 9 458 271 сўм. 2. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 40 D 492 DA бўлган "Ваз 2121" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич нархи – 8 925 998 сўм. 3. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 585 SA бўлган "SHANASC-6382" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич нархи – 12 506 454 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 1 августдаги 27276/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 01 E 716 GA бўлган "Zax 988" русумли авто-транспорт воситаси. Бошлангич нархи – 166 740 сўм. 2. 2012 йил 9 июлдаги 24499/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошлангич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
24.09.2013	Бектемир тумани СИБ	1983 й. и.ч. "Ваз-2106" д.р. 10 В 913 AA	5 150 980,60	5 650 000
26.09.2013	Охангарон тумани СИБ	1988 й. и.ч. "ГБАСПГ-Ваз 2106" д.р. 01 М 815 DA	3 818 443,68	4 090 000
30.09.2013	Мирзо Улуғбек тумани СИБ	2011 й. и.ч. "Нексия Сонс" д.р. 10 S 063 KA	28 000 000	29 650 000
	Юнусобод тумани СИБ	2002 й. и.ч. "Дамас" д.р. 01 147 PBA	19 405 000	20 650 000
	Бектемир тумани СИБ	2006 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 K 837 GA	19 814 845	21 050 000
	Зангиота тумани СИБ	1982 й. и.ч. "Ваз-21011" д.р. 10 M 223 AA	1 969 200	2 150 000
		1979 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 2019	215 229	280 000
		1980 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 10 G 9830	348 300	395 000
		1979 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 11 L 9349	561 733	660 000
		1970 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 0542	998 814	1 090 000
		1974 й. и.ч. "Ваз-21011" д.р. 10 O 014 CA	932 974	1 040 000
		1979 й. и.ч. "Уаз-Б" д.р. 11 A 2595	211 537,3	295 000
		1961 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 6686	727 942,2	825 000
		2007 й. и.ч. "Ваз-2107" д.р. 10 Q 937 FA	12 210 300	13 150 000
		"Нексия" д.р. 14 W 0573	12 840 300	13 750 000
